



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 29 октябрь, № 210 (5125)

Жума

БЕҚИЁС ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

туфайли юртимизда ёшларимизга ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилган



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, иқтисодийни юксалтириш ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашда ижобий натижалар бераётир.

Ислоҳот

Карманлик Камолддин Бўронов тадбиркорлик фаолиятини бошлаган уддабўрон ёшлардан бири. Ишбилармон йигит банкдан олган кредити ҳисобига Хитой ҳамда Чехияда ишлаб чиқарилган 25 та замонавий тикув машинасини харид қилиб, кичик цех ташкил этди ва бугун корхона фаолиятини янада жонлантириш мақсадида самарали иш олиб бораётир.

— Корхонамизда ўн беш хилдан зиёд болалар, аёллар ва эркеклар либослари тикилади, — дейди К. Бўронов. — Айни пайтда бу ерда 20 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Жорий йилда эса касб-хунаро коллежларини битирган турт нафар қизни ишга олди.

Цехда жорий йилнинг ўтган даврида 24 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Мухими, замонавий дизайнга яратилган ушбу либослар харидорларга манзур бўлаётир.

Ғамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: тикувчилар Феруза Шаропова ва Мафтуна Рамазонова.

Батхбир АҚРАМОВ олган сурат.

Жиззахда 2010 йилнинг 9 ойда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва келгусидаги энг муҳим устувор вазифалар муҳофазасига бағишланган фоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ, ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Вилоят ҳокими С. Исмоилов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,7 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 17,6 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 17,6 фоизга,

Сарҳисоб

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш 6,9 фоизга, қурилиш шўхлиги ишлари 13,1 фоизга, чакана товар айланishi 21,3 фоизга, хизматлар кўрсатиш 17,9 фоизга ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 15,4 фоизга ўсди.

Хўшобот даврида вилоятда саноат соҳаси салоҳиятини ошириш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурга асосан, 52 та корхона ишга туширилди ва 5 та корхонада модернизация ишлари амалга оширилди. Ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳисобига маҳсулотлар сифати яхши-лашиб, рақобатбардошлиги ортиб бормоқда. Натижанда корхоналар томонидан 38,3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотлар экспорт қилинди ва ўтган йил-

нинг шу давридагига нисбатан 6,4 фоизга ўсиши таъминланди.

Барча манбалар ҳисобидан 252,9 миллиард сўм капитал маблағлар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 130,2 фоизни ташкил этди. Биргина кичик бизнес ва хўшобот тадбиркорлики ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувват-

лаш учун тижорат банклари томонидан 62 миллиард 667 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Бандлик дастури ижросини таъминлаш борасидаги сайёҳаракатлар туфайли 34 минг 422 та янги иш ўрни яратилиб, ҳудудий дастурда белгиланган режа 103,2 фоизга бажарилди.

Хўшобот даврида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилгани таъкидланиб, уларни бартараф этиш йўллари ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бўш вазирининг ўринбосари Э. Фаниев иштирок этди.

У. АДИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда ўтказилаётган IV Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси чин маънода саноатчиларнинг йирик иқтисодий форумига айланиб бормоқда. Ярмарканинг нафақат ўзаро танишув ёки тажриба алмашиш, балки ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани шундан далолат беради.

ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙИБ, САЛОҲИЯТ ОРТМОҚДА

Таъкидлаш жоизки, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳар бир иштирокчиси ўзига хос янгиликка эга. Хусусан, геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати комплекси таркибига қатнашаётган «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида ҳам бундай ўзгаришлар етарли.

Мазкур компания тизимидagi корхоналар ўзларининг импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлари, бутловчи бўйимлари, маҳаллийлаштирилган материаллари, шунингдек, электр энергиясини назорат қилувчи ва тижорат ҳисобини юритувчи автоматлаштирилган ахборот-ўлов (АСКУЭ) тизими сингари хизматларини тақдим этмоқда.

Бундан ташқари, ярмарка ишида «Ўзбекэнерго» ДАК ташаббуси билан Жанубий Кореянинг «Semi Lighting Co, LTD» компанияси ҳам иштирок этмоқда. Маълумки, мазкур компания ёруғлик диодларига асосланган юқори самарали ёриткичларни ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Ҳозир ушбу маҳсулотга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Қувонарлики, яқин вақт ичида республикамизда ҳам корейлик ҳамкорлар билан диодли ёриткич ишлаб чиқарувчи янги қўшма корхона ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Тақдимотда компания тизимидagi «Электронизоли» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Электрқишлоққурилиш» очик акциядорлик жамиятига иссиқлик изоляцияси, олов ва кислотга чидамий материаллар ишлаб чиқарганлиги учун «ISO 9001:2009» халқаро сифат сертификатлари ҳам топширилди.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси мана шундай янгилик-янги алоқаларни қорор топтириш, корхоналарнинг экспорт имкониятларини оширишга сабаб бўлаётгани билан аҳамиятлидир.

— Корхонамиз сув, нефть ва газ қувурлари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди «Наманганмаш» акциядорлик жамияти маркетинг бўлими бошлиғи Илҳом Убайдуллаев. — Айни пайтда маҳсулотларимиз сони 50 тага етган бўлса, шунинг 20 турдаги Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилмоқда. Корхонамиз —

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг доимий қатнашчиси. Айтиш жоизки, мазкур тадбир фаолиятимизни ривожлантиришда муҳим омили бўлаётир. Чунки ярмарка доирасида қўллаб битимлар имзолаб, буюртмалар олаёلمиз. Масалан, ўтган йилги тадбирда асосий харидорларимиз — «Ўзбекнефтгаз» ва «Ўзбекэнерго» компаниялари таркибидagi корхоналар билан қарийб ўн миллиард сўмлик шартнома имзолаган бўлса, жорий йилда бир неча миллиард сўмлик келишувга эришдик.

Ярмарканинг учинчи иш куниди, шунингдек, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзпахтасаноат», «Ўзгазромасервис» уюшмалари, Ўзбекистон давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси ҳамда «Файз» холдинг компаниясининг ҳам тақдимот маросимлари бўлиб ўтди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КЕЛАЖАК АВЛОД МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Марказий Осиёнинг трансчегаравий, глобал аҳамиятга эга бўлган экологик муаммолари минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнини мураккаблаштирмоқда ва бу ерда шайётган миллионлаб одамлар ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг ўзидан ташқари Президент Ислам Каримов шу йилнинг сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган саммитидаги нутқида ҳам алоҳида

— Экологик хавфсизлик барқарор ривожланишнинг асосларидан бири ҳисобланади, — деди Б. Алихонов. — Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунларидан юртимизда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш, мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасида экологик вазиятни яхшилашга катта эътибор қаратиб келмоқда. Афсуски, бугунги кунда бу борада юзага келаятган кўпгаб муаммолар тоталитар тузум даврида оқибатини ўйламай ҳўжалик юритишдан «мерос» қолган. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, бу муаммоларни самарали ҳал қилиш мақсадида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофиза қилишга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. «Табиатни муҳофиза қилиш тўғрисида», «Муҳофиза этила-

таъкидлади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофиза этиш масалалари кўмитаси раиси, Ўзбекистон экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Борий АЛИХОНОВ билан экологик барқарорлиқни таъминлаш борасида бугунги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўхбатлашди.

шарт-шароит яратишга қаратилган кенг қўламли ишларни ўз ичига олади.

— Ўзбекистон экологик ҳаракати ушбу кенг қўламли ишларга қандай ҳисса қўшмоқда?

— Таъкидлаш жоизки, бу борада амалга оширилаётган хайри ишларда нафақат давлат, балки жамоат тузилмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳозирги ва келажак авлоднинг қулай атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофиза қилиш ҳўкукни амалга ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган ишловларни янада чуқурлаштириш йўлида мамлакатимиз фуқароларини ва турли ташкилотларни бирлаштиради.

(Давоми 2-бетда).

МАҚСАДЛИ САРМОЯЛАР САМАРАСИ

Саноат тармоғини модернизациялаш, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодий барқарорлиқни таъминлашнинг муҳим омилдир. Наманган вилоятида ушбу йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш жараёнида иқтисодий ноҳор корхоналарга нисбатан қўлланилаётган молиявий соғломлаштириш дастури ўз самарасини бермоқда.

Маълумки, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини ҳамда мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмида бажаришга қодир эмаслиги корхонани иқтисодий ноҳорликка олиб келади. Лекин амалда зарур чора-тадбирларни қўллаш орқали вазиятдан чиқиш, яъни фаолиятини изга солиш учун имконият бор. Масалан,

Жараён

бозор иқтисодиётининг ўзига хос талаблари, хусусан, рақобатга дош бера олмаслик вилоят марказидаги «Атлас» акциядорлик жамиятини банкротликка олиб келди. Бундай пайтда, табиийки, кредиторлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш учун корхона мулкларни қимматсизга чиқарилади. Йўқ, иш бун-

гача бориб етмади. Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкнинг «NBU investment» очик акциядорлик жамияти бу ерда ишлаб чиқаришни изга солиш учун инвесторлик қилиш мажбуриятини олди. Технологик жихозлар, бино ва иншоотларнинг мукамал таъмири ҳамда хом ашё таъминоти учун 3,7 миллиард сўм миқ-

(Давоми 2-бетда).

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РИВОЖЛАНАЯПТИ

2010 йилнинг тўққиз ойи ичида мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ҳажми 11,2 фоизга ўсди.

Ўтган давр мобайнида республикамизнинг барча ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури доирасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилгани туфайли шундай юқори ўсиш суръати таъминланди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш сифатини янада яхшилаш имконини берди.

Тошкент шаҳрида Ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича халқаро «Oxfam Novib» (Нидерландия) ташкилотининг тақдимоти бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Микромолиялаштириш тизимини қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

ИНВЕСТИЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Бугунги кунда мамлакатимиз билан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг таъкидлашича, ҳамкорлик ривожланиши билан таъминланган қатлами, хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий рағбатлантириш сингари ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришга яқиндан кўмак бериб келади.

Мазкур ташкилотнинг амалиёт директори Карл Янсеннинг таъкидлашича, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш ва микромолиялаштиришни қўллаб-

қувватлашдан томонлар бирдек манфаатдор. Шу боис ташкилот 1,5 миллион евро миқдоридagi маблағни заём шаклида, шунингдек, 500 минг еврони инвестиция тарзида киритишни режалаштирган. Бу сармоялар кичик бизнесни ривожлантириш, аниқсиз, қишлоқ жойларда тадбиркорликни йўлга қўйиш, хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини рўйга чиқаришга йўналтирилиши билан аҳамиятлидир.

Тадбирда қайд этилганидек, мазкур халқаро ташкилот билан ўрнатилган ҳамкорлик республикамизда кредит юртаклини микромолиявий ташкилотлар ва кредит уюшмалари учун тажриба алмашиш, айни пайтда, уларнинг фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳамкорлик

Дарҳақиқат, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижроси республикамиз учун глобал молиявий бўҳрондан талафотларсиз чиқиш имконини берди. Айни шу жиҳат хорижий ташкилотларнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада ошириб юборди. Натижанда ўз фаолиятини республикамиз билан боғламоқчи бўлган сармоядорлар ва молиявий ташкилотлар сони тобора ортиб бораётир. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига хорижий инвестициялар жалб этиш ҳажмининг ўсишига хизмат қилаяпти. Биргина жорий йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган туғридан-туғри чет эл кредитлари 15,1 фоизга кўпайгани бунга яққол мисол бўла олади.

«Oxfam Novib» халқаро ташкилотига ўтган асрнинг 50-йилларида асос солинган бўлиб, у кичик бизнес ва ху-

сувий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг таъкидлашича, ҳамкорлик ривожланиши билан таъминланган қатлами, хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий рағбатлантириш сингари ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришга яқиндан кўмак бериб келади.

Мазкур ташкилотнинг амалиёт директори Карл Янсеннинг таъкидлашича, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш ва микромолиялаштиришни қўллаб-қувватлашдан томонлар бирдек манфаатдор. Шу боис ташкилот 1,5 миллион евро миқдоридagi маблағни заём шаклида, шунингдек, 500 минг еврони инвестиция тарзида киритишни режалаштирган. Бу сармоялар кичик бизнесни ривожлантириш, аниқсиз, қишлоқ жойларда тадбиркорликни йўлга қўйиш, хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини рўйга чиқаришга йўналтирилиши билан аҳамиятлидир.


Тадбирда қайд этилганидек, мазкур халқаро ташкилот билан ўрнатилган ҳамкорлик республикамизда кредит юртаклини микромолиявий ташкилотлар ва кредит уюшмалари учун тажриба алмашиш, айни пайтда, уларнинг фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

С. РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



«ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁНИНГ САНОАТИ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРИ САФИДАН ЖОЙ ОЛАДИ»



Шу йилнинг 26 — 28 октябрь кунлари Саудия Арабистони подшоҳлиги Ташки ишлар вазирининг ўринбосари шаҳзода Халид бин Сауд бин Халид Ол Сауд бошчилигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлди.

гациянинг юртимизга ташрифидан кўзланган мақсадлар хусусида ўртоқлашди. У, жумладан, Саудия Арабистони подшоҳлиги Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги ишончли шериклардан бири сифатида қарашини қайд этди.

Саудиялик дипломатнинг таъкидлашига кўра, Ўзбекистон ва Саудия Арабистонининг ўзаро муносабатлари олис ўтмишга бориб тақалади. Саудия Арабистони ҳудудида мусулмонларнинг Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварадек муқаддас қадамжолари жойлашган бўлса, Ўзбекистон замини ислом ва жаҳон илм-фани ҳамда тамаддунинг раванқиға улкан ҳисса қўшган буюк олимлар, кўплаб давлат арбоблари туғилгани ва камол топгани билан муқаддасдир.

Икки мамлакат ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш мақсадида олий ва расмий даражадаги ўзаро ташрифлар алмашинуви фойдалаштириш зарур, — дея таъкидлади Саудия Арабистони

подшоҳлиги Ташки ишлар вазирининг ўринбосари. — Ўзбекистонга ташрифимиздан кўзланган мақсад — ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги имкониятларини очиб беришдир. Шу ўринда биз мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Шаҳзода Халид бин Сауд бин Халид Ол Сауд икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг янада раванқ топишига ҳам туртки беражиги ишонч билдирди. — Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг бугунги суръатидан келиб чиққан ҳолда, шуни қомил ишонч билан айтишимиз мумкинки, яқин келажакда мамлакатимиз дунёнинг саноти ривожланган давлатларидан бирига айланади, — дея ўз сўзини якуналади Саудия Арабистони подшоҳлиги делегацияси раҳбари.

«Жаҳон» АА.

Соғломлаштириш дастурига кўра, жорий йилнинг тўққиз ойида 19 та корхонада 28 та лойиҳа амалга оширилди, — дейди Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари Фуломжон Муроджонов. — Уларда янги технологияларни жорий этиш ва бошқа муҳим тадбирлар учун 731,6 миң АҚШ доллари ва 13,6 миллиард сўм миқдоридан инвестиция киритилди. Наттижада 1135 та янги иш ўрни яратилди. Улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори эса 29,6 миллиард сўмни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, вилоятда уч йил мобайнида 21 корхонага 18,4 миллион АҚШ доллари ва 14,3 миллиард сўмлик инвестиция йўналтириш режалаштирилган. Табиийки, бундай кенг қўламли ислохотлар вилоятнинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оқсатириш боғлиқ янги имкониятларни юзага келтирилади. Бошқа жиҳати, катта маблағ ва куч сарфлаб ўрнатилган ишлаб чиқариш қувватлари янада кўпроқ наф келтириб, маҳсулотларнинг рақобатбардорлиги ошади.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистонга ташрифи доирасида шаҳзода Халид бин Сауд бин Халид Ол Сауд бошчилигидаги Саудия Арабистони делегацияси бир қатор вазирликларда бўлиб, самарали музокаралар ўтказди, шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари ва меъморий ёдгорликларини кўздан кечирди. Музокаралар чоғида меҳмонларга юртимизнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, кўплаб хорижий давлатлар, шу жумладан, араб дунёси мамлакатлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган йирик сармоявий лойиҳалар тўғрисида бафасли маълумот берилди.

МАҚСАДЛИ САРМОЯЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан «Атлас»нинг собиқ ишчилари ниҳоятда хурсанд. Чунки аксарияти меҳнат жойларига қайтиб, айни паллада дастгоҳларни бошқараётган ходимлар сони 924 нафарга етди. Улар томонидан ўтган ойлар давомида 3,2 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Яна бир гап. Яқинда бу ерда янги маҳсулот — ипак гилам тўқиш ҳам йўлга қўйилиши натижасида ишчилар сафига яна 40 киши қўшилди.

Айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг «2009 — 2012 йилларда Наманган вилоятида саноти ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастур изчил амалга оширилаётганлиги туфайли кўплаб корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилди, банкротлик ҳолатидаги бир қатор корхоналар оёққа туриб олди. Мазкур жараёнда молиявий соғломлаштириш тамойили қўлланилган 17 корхонада белгиланган тадбирлар ижроси юзасидан доимий мониторинг ўрнатил-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экоҳаракат мамлакатимизнинг иқтисодий-сиёсий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаб, Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган муҳим вазифаларни бажаришда фаол иштирок этмоқда. Экоҳаракат мамлакатимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг атроф-муҳит ва тиббиёт соҳасида амалга ошираётган фаолиятини мувофиқлаштиришда ва кўплаб-қувватламоқда. Бу борадаги ишларга 660 нафардан ортиқ юқори малакали экспертлар жалб қилинган.

Миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракатга 15 депутатлик ўрни ажратилди. Бу ҳал қилинишидан жамиятимиз манфаатдор бўлган кўплаб муҳим масалалар билан боғлиқдир. Экоҳаракат учун бундай квота жаҳон парламентаризми тарихида илк бор жорий этилди. Парламент Қонунчилик палатасида фаолият кўрсатиш Экоҳаракат вакиллари мамлакатимиз аҳолисини салбий экологик ўзгаришлардан ҳимоя қилиш, тегишли қонунчиликни таъминлашга бевосита таъсир ўтказиш мақсадида бу борадаги мавжуд муаммоларни кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ҳал этилишини назорат қилиш имконини бермоқда. Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг ташаббуси билан қабул қилинган қонунлар ижроси парламентда муҳокама этилмоқда. Экологларга юксак депутатлик минбаридан туриб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш имконини берадиган бундай ҳуқуқий механизм яратилиши ва кўлаш бўйича Ўзбекистон тажри-

баси кўплаб хорижий давлатларда қатнаш қизиқиш уйғотмоқда. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, мамлакатимизда экологик вазиетни яхшилашга доир ишларга кенг жамоатчиликни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ишларни жалб қилиш Экоҳаракатнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шу мақсадда

мамлакатимиз ҳудудларида энг долзарб мавзулар, жумладан, трансчегаравий экологик муаммолар ва инсоннинг қўлай табиий муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлашга бағишланган амалий тадбирлар, давра сўхбатлари, мутахассислар иштирокида ўнрашувлар ўтказилаётди. Масалан, Экоҳаракат фаоллари томонидан Сурхондарё вилоятида «Тожикистон алюминий компанияси» корхонасининг атроф-муҳити ва аҳоли соғлиғига салбий таъсир кўрсатишига қарши ўтказилган оммавий тадбирлар мамлакатимиз ҳамда хорижда катта акс-садо берди. Уларнинг иштирокчилари БМТ ва унинг таркибига қирадиган халқаро ташкилотларга қарата ушбу компания томонидан зарарли санот чикиндилари чиқарилишига барҳам бериш тўғрисидаги мурожаатномани қабул қилди. Давлатимиз чегараси яқинида жойлашган мазкур завод мамлакатимиз жанубий ҳудудининг табиати ва аҳолисини 35 йилдан буён жиқидй зарар етказиб келаятгани ҳақидаги ахборот ҳам уларда катта қизиқиш уйғотди.

Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келган экологик инқироздан бугун бутун дунё жа-

ро ташкилотларнинг ҳам иштироки зарурлигини таъкидлади. — Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Оролбўйининг табиий биологик фондини сароб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истикомат қилаётган юз мингглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади...

— Президентимиз кўлаб нуфузли халқаро форумларда нутқларда жон ҳамжамияти эътиборини Оролбўйини инқирозининг оқибатларини бартараф этиш учун комплекс чоралар қўриш зарурлигига қаратди. Юртбошимиз ташаббуси билан бу борада Нукус ва Тошкент декларациялари қабул қилинди, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилди, ушбу мавзу бўйича йирик халқаро анжуманлар ўтказилди.

Ер юзидagi энг қадимий ва улкан кўллاردан бири — Орол денгизи бир пайтлар табиий захира-ларига бойлиги билан машҳур бўлган, Оролбўйи эса фаровон ҳудуд бўлиб, ноёб ҳайвонот ва наботот олами билан ажралаиб турган. Мисол учун, бу ерда

КЎРГАЗМА ВА ТАҚДИМОТ БИЗНЕСИ

юртимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишда муҳим аҳамиятга эга

«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компаниясининг Халқаро савдо марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамкорлигида семинар ташкил этилди. Ушбу анжуманда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар ҳамда Савдо-санот палатаси вакиллари иштирок этди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси 1997 йилда Халқаро кўргазмалар тўғрисидаги конвенцияга (Париж, 1928 йил 22 ноябрь) қўшилган бўлиб, шундан буён мамлакатимизда мазкур халқаро ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини миллий қонунчилигимизга сингдириш, пировардида кўргазма ва тақдимот бизнесини ривожлантириш борасида муайян ишлар бажарилмоқда. Бу, ўз навбатида, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга хизмат қилайди. Жорий

йилнинг тўққиз ойи давомида экспорт ҳажми 10,9 фоизга кўпайганлиги ҳам шундан далolat бериб турибди. Қолаверса, мазкур даврда инвестиция сиёсати изчил давом эттирилиши натижасида тўғридан-тўғри халқаро инвестиция ва кредитлар ҳажми 15,1 фоизга кўпайди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида ўтказилган ярмаркаларда 926 та маҳсулот сотиш ва етказиб беришга доир шартнома имзоланган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 125 миллиард 319,1 миллион

сўмни ташкил этади. «Ўзбекистон Агроминтех Экспо» кўргазмасида эса тадбиркорлар ва фермер

Тадбир

хўжаликлари томонидан 122 миллиард 214,9 миллион сўмлик 1721 битим ҳамда ахдлашув баённомаси имзоланди.

Мазкур халқаро ва миллий кўргазмаларни ташкил этиш ва ўтказишда «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компаниясининг ўрни катта бўлмоқда. Жумладан, тадбирда ай-тилланидек, халқаро ва

миллий кўргазмаларнинг 80 фоиздан кўпроги ушбу компания томонидан муваффақиятли ўтказилган. Бунинг учун бу ерда барча шарт-шароит ва қўлайликлар яратилган.

Бундай ютуқларга қарамай, ҳали бажарилиши керак бўлган вазифалар ҳам йўқ эмас. Масалан, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шартноҳида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номи билан имзоланган ҳамда БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бағишланган саммитидаги нутқида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизнинг ютуқларини бутун дунёда кенг ёритиш, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсу-

лотлар тарғиботини қучайтириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни тақомиллаштириш билан боғлиқ талай вазифалар турибди. Айни чоғда кўргазма ва тақдимот бизнесининг ташкилий, ҳуқуқий асосини янада тақомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, анжуманда муҳокама қилинган масалалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ижроси бўйича Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компаниясининг масъулиятини янада қучайтириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ.

ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

Мамлакатимизда саноти ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, корхоналарга янги технологияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Наттижада ҳудудларда қўшимча иш ўринлари яратилаётди.

Бу борада Сирдарё туманида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Хусусан, кейинги йилларда кўплаб корхоналар фойдаланишга топширилган, уларда ишлаб чиқарилаётган сифатли, беҳирим ва экспортбоп маҳсулотларга эса талаб тобора ортиб бораётгани ана шундан далolat беради. Мева ва сабзавотни қайта ишлашга ихтисослаштирилган «JMP-International» Ўзбекистон — Буюк Британия — Канада қўшма корхонаси — шулардан бири.

Корхонамизни ташкил этиш ҳамда янги технологиялар ўрнатиш учун 2 миллион 429 миң 850 евро ва 4 миллиард 763 миллион 464 миң сўм йўналтирилди, — дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Алексей Киттаев.

— Айни пайтда цехларимиз Швециянинг «Tetra-Pak» фирмасидан келтирилган энг замонавий технология линиялар билан жиҳозланган бўлиб, улар ёрдамида йилига 65 миллион литр шарбат ва нектар ишлаб чиқариш мумкин. Бундан ташқари, маҳсулотни термик қайта ишлаш ҳамда қутилаларга қадоқлаш ускуналари мавжудлиги унинг сифатини оширмоқда.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хозир қўшма корхонада 180 нафар киши меҳнат қилапти. Улар томонидан тайёрланаётган «Наша марка», «Фрукто

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

вий сад», «Dolce», «Фруктоша» шарбатлари шу пайтгача маҳаллий харидорларга етказиб берилаётган бўлса, эндиликда экспорт ҳам қилинмоқда. Ўтган йилнинг 8 ойи давомида 6 миллиард 73


миллион 577 миң сўмлик маҳсулот сотилганди, жорий йилнинг ўтган даврида эса 6 миллиард 319 миллион 544 миң сўмлик маҳсулот дўконларга чиқарилди. Иил охиригача 1,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.

— Маҳсулотларимизга

талабнинг ортиши, аввало, унинг сифати билан боғлиқ, — дейди корхонанинг сифат бўлими бошлиғи Лариса Иващенко. — Қолаверса, уларнинг бари серқушам заманимизда етилган табиий мевалар-

дан тайёрланади. Самарқанд, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийси миришкорлари доимий ҳамкорларимиз. Қувонарлиси, корхона фаолияти тез орада янада кенгайди. Яъни яқин кунларда бу ерда сутни қайта ишлаш чеҳи ишга туширилди. Шунда ойига 900 тонна сутни қадоқлаш имкони яратилди. Демак, келгусида «JMP-International» тамғаси остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ортиб, корхона салоҳияти бундан-да юксалади.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: қадоқлаш чеҳи операторлари Ҳамид Қодиров ва Қурбон Абдунабиёв маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган сурат.

Яхши хабарлар

Кўшкўпир тумани марказида замонавий лойиҳа асосида янги деҳқон бозори бунёд этилди.

Кўшкўпирда янги бозор

Хозир бу ерда 100 га яқин савдо расталари, 26 та савдо дукони ҳамда 10 га яқин маийий хизмат кўрсатиш шохобчаси ишлаб турибди. Харидор ва сотувчиларга барча қўлайликлар яратилган ушбу маҳжунга қуриш учун 240 миллион сўмлик маблағ сарфланган.

Таъкидлаш керакики, жорий йилда вилоятда турта бозор мукамал ташкирланган қилибди, замонавий киёфа касб этди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Уюшманин «Ишонч»

Жиззах шаҳрида янги бинаго қўнган «Ишонч» кредит уюшмасининг 15 миң нафарга яқин аъзолари бор. Кредит портфели эса 10,3 миллиард сўмни ташкил этади.

Уюшма жамоаси тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, вилоятдаги таълим даргоҳлари ўқувчилари учун «Ишонч» стипендиялари жорий қилинди.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КЕЛАЖАК АВЛОД МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

литрда қарий 280 граммни ташкил этмоқда. Орол инқирози минтақада мураккаб иқлим шароитини вужудга келтирди, кучли кургоқчилик ва ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришларига сабаб бўлмоқда. Денгизнинг қуриб қолган қисмида 5 миллион гектардан зиёд майдонни эгаллаган янги Оролқум чўли пайдо бўлди. Тонналаб туз, қум ва чанг юзлаб километрга тарқалмоқда. Кўплаб кичик кўллар ҳам савёзланиб, қуриди. Оролбўйида ўсимлик ва ҳайвонот олами генфондининг яримдан қўли йўқолиди. Бу ерда тупроқнинг шўрланиши ва ер ресурсларининг қисқариши, табиий яйловлар ва пичанзорлар сифатининг ёмонлашиши давом этмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган, Орол инқирозининг ҳалокатли экологик оқибатларини юмшатиш мақсадида улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз Ислам Каримов 2009 йилнинг апрелида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг ўнрашувида Орол денгизи ҳавзасидаги минтақага ёрдам кўрсатиш бўйича 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар

тадирининг учинчи босқичи концевциясини илгари сурди. — Орол инқирози глобал муаммага айланиб бораётган бир пайтда, минтақанин асосий дардлари юқори қисмида жойлашган давлатларнинг, амалдаги халқаро нормаларни бузган ҳолда, трансчегаравий сув ресурсларидан фақат ўз манфа-

маларини кўзлаб фойдаланишга интилаётгани ҳам катта ташвиш уйғотмоқда. — Оролбўйи ҳудуди иқтисоди асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади. Шу сабабли уларнинг юқори қисмида катта тўғонли улкан гидрорешоотларни қуриш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши экологиканг ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген, ижтимоий-экологик ҳамда гуманизар ҳалокатларга олиб келиши мумкин. Зеро, бу лойиҳалар 30-40 йил аввал ишлаб чиқилган ва эскирган бўлиб устига, ушбу иншоотлар бунго этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллини ташкил этади. Сунги 110 йилда бу ерда 20 дан ортиқ кучли zilзилла содир бўлган.

Масалан, Тожикистондаги Роғун ГЭСида баландлиги 335 метрлик тўғон қуриш кўзда тутилмоқда. Ҳолбуки, дунёда ҳали бундай тўғон йўқ. Унинг барпо этилиши янги zilзилаларга сабаб бўлиши ва одамлар ҳаётига катта хавф солиши мумкин. Мабодо тўғон ўпирилиб кетгудек бўлса, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ҳудудиди 1,5 миллион гектар

нисбатан қарий 2 баробар ошади. Бу, ўз навбатида, кургоқчиликка, катта чўл ҳудудларининг пайдо бўлишига, қишда эса шўдур қилинадиган ерлар ва аҳоли пунктларининг сув босишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда, янги экологик фалокатга сабаб бўлади.

— Пойтахтимизда Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан «Марказий Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмининг қўлаш» мавзусида ўтадиган халқаро конференцияда қандай масалаларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда?

— Орол денгизи инқирози, Тожикистон алюминий заводининг шамол орқали Сурхондарё вилоятининг кўплаб туманлари ҳудудига тарқалаётган захарли чикиндилари, Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида хавфли улкан гидрорешоотларни барпо этиш лойиҳалари бугунги кунда минтақасий учун ўта долзарб бўлган асосий трансчегаравий экологик муаммолар ҳисобланади. Шунинг учун халқаро конференцияда мана шундай қатор муҳим масалаларни қўриб чиқиш мўлжалланмоқда.


Булар, биринчидан, Орол инқирози оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорлик чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қўлақлаштириш, иккинчидан, трансчегаравий дарёлар юқори қисмида янги йирик гидротехник иншоотларнинг қурилиши Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларининг янада қамқайишига олиб келишига жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишдан иборатдир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, халқаро экспертлар иштирокида бундай лойиҳаларни мустақил экологик ва техник экспертлардан ўтказиш, жумладан, уларнинг трансчегаравий сув оқимларидан фойдаланиш бўйича халқаро ҳуқуқ принциплари ҳамда нормаларига мувофиқлигини аниқлаш даркор. Шунингдек, конференцияда «Тожикистон алюминий компанияси» санот чикиндиларининг Ўзбекистоннинг жанубий туманлари атроф-муҳити ва аҳолиси саломатлигига салбий таъсири натижасида юзага келган экологик муаммоларга барҳам беришга қўллаб-қувватланади, деб ишонилди.

Марказий Осиё минтақасининг кўп миллионли аҳолиси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу жиқидй масалаларни ҳал этиш бугун жаҳон ҳамжамиятидан биргалликда ҳаракат қилишни талаб этмоқда. Зеро, фарзандларимизнинг порлок келажак, саломатлигини ҳақда қайғурадиган бўлсақ, уларнинг фаровон ва ресурсларга бой атроф-муҳитда яшашини истасак, барқарор ривожланиш мақсадидаги эришиш учун глобал экологик муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этишимиз даркор.

ЎАА мухбири А. ИВАНОВА ёзиб олди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ўз станциясини ташкил этади



Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Мазкур космик станцияга 2020 йилдан бошлаб фазо кемаларини учуриш режалаштирилган. Шу боис ҳозир керакли жиҳозларни самога олиб чиқиш ишлари олиб борилмоқда. Уларнинг дастлабкиси 2011 йилда амалга оширилади. Бунда учувчисиз бошқариладиган "Тяньгун-1" фазо кемасидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Хитой ўзининг космик станциясини ташкил этишини маълум қилди.

Самолёт ҳалокатга учради

Индонезиянинг Папуа музофотида самолёт ҳалокатга учради.

Мамлакат Ички ишлар вазирлиги тегишли мазкур лайнер бортида бўлган беш нафар полиция ходимининг барчаси ҳаётдан кўз юмган. Ҳалокат ноқулай об-ҳаво шароити туфайли юз берган. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари табиий офатдан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун кетишаётган.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, куни кеча Индонезиянинг Ява оролида кучли зилзила юз берганди. Рихтер шкаласи бўйича 7,7 баллни ташкил қилган ер силкиниши цунами келиб чиқишига ҳамда Мерапи вулкони отилишига сабаб бўлди. Оқибатда 340 киши ҳаётдан кўз юмган, 500 нафардан ортқ одам бедарак йўқолган. Юзлаб тураржой бинолари вайронга айланган.

Акцияларини сотиб олмоқчи

"Renault-Nissan" автомобилсозлик компаниялари иттифоқи Россиянинг "АвтоВАЗ" корхонасининг 24,8 фоиз акциясини сотиб олишга тайёрлигини билдирди.

Ҳозирча келишувнинг молиявий қиймати ҳақида маълумотлар ошқор қилинмаган. "Renault" 2008 йилда "АвтоВАЗ"нинг 25 фоиз акциясини бир миллиард АҚШ долларига харид қилганди. 2009 йилнинг кузига эса Россия ҳукумати "АвтоВАЗ"ни инқироздан сақлаш учун "Renault-Nissan" иттифоқи билан ҳамкорликни кучайтириш кераклигини билдирган.



билан ҳамкорликни кучайтириш кераклигини билдирган.

Норозиликлар давом этмоқда

Францияда яна оммавий иш ташлашлар бошланди.

Авиация тизими ходимлари томонидан уюштирилган норозилик намоийшлари туфайли мамлакатдаги йирик аэропортлар фаолияти издан чиққан. Таъкидлаш керак, Францияда бундай намоийшлар анчадан бери давом этмоқда. Бунга президент томонидан таклиф қилинган пенсия ислоҳоти сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга асосан, нафақага чиқиш ёшлари 60 дан 62 ёшга, 2030 йилдан бошлаб эса 67 ёшга узайтириш кўзда тутилган.

Унинг парламент юқори палатаси томонидан маъқулланиши нефтни қайта ишлаш корхоналари ва оморлари ходимларининг ҳам кескин норозилигига сабаб бўлган. Оқибатда, мамлакат ёниги таъминотида муаммолар юзага келган.

Шаҳардаги қабиҳлик

Мексика гарбида кўнгилсиз воқеа содир бўлди, дейилади "AP" ахборот агентлиги хабарига.



Мамлакатнинг Тепик шаҳридаги машиналар ювиш жойида бир гуруҳ куролланган шахслар томонидан тинч аҳоли вакиллари ўққа тутилган. Оқибатда 15 киши ҳаётдан кўз юмган, икки киши оғир тан жароҳати олган.

Чунки мамлакат президентлигига Филипе Калдерон сайланган (2006 йил)дан буён бундай жиноий гуруҳларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Утган вақт ичида уларнинг аксарияти фожия этилиб, жиноий тўдалар етакчилари қўлга олинди. Гиёҳванд моддалар олиб ўтиладиган ҳудудларда қўшимча чегара постлари ташкил этилди. Мазкур тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш учун 60 мингдан ортқ харбий сафарбар қилинди.

Ҳозирча қабиҳлик ким томонидан содир этилгани номаълум. Ҳуқуқ-тартибот идоралари бу гиёҳванд

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ГАЛАБА

Пойтахтимиздаги "Пахтакор" ва "Жар" стадионларида футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати қизгин паллага кирди.

"А" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳдаги сўнгги учрашувни Тожикистон терма жамоасига қарши ўтказиб, 8:1 ҳисобида йирик галабага эришди. Тўларни Темур Ҳақимов (2 та), Жавлон Мирабдуллоев, Аббос Махталиев, Жасур Ҳақимов (2 та), Нодирхон Камолов ва Азизбек Муродов киритишди.

Гуруҳ босқичидан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси 7 очко билан биринчи, Иордания футболчилари эса 5 очко тўлаб, иккинчи ўринни эгаллади ва кейинги босқичга йўл олди. Вакилларимиз чорак финалда "В" гуруҳида иккинчи ўринни қўлга киритган Сурия терма жамоаси билан куч синашди. Ушбу масъулиятли ўйин олдидан терма жамоамизнинг қитъа чемпионатидаги иштироки, мусобақа таассуротлари ҳақида иштирокчи давлат вакиллари, мутахассис ва ишқибозлар билан суҳбатлашдик.

Абдурахмон ҚАЙС, Иордания ўсмирлар терма жамоаси ҳужумчиси:

— Иккинчи турда бизга рўбарў келган Ўзбекистон терма жамоаси дарвозасини ишғол қилиш насиб этмади. Мезбонлар жисмоний, техник ва тактик тайёргарлиги бўйича ўз устунлигини намойиш этишди. Бугун футболчиларингиз Тожикистон термасини йирик ҳисобда енгиб, ҳақли равишда, гуруҳ пешқадамига айланди. Очиги, ўйин натижаси бунчалик йирик бўлишини кутмагандик. Балки кимдир буни тожикистонликларнинг тажрибасизлиги билан боғлар. Лекин

кам бўлса-да, улар томонидан амалга оширилган хавфли ҳужумлар бундай фикрлар нотўғри эканлигини англатади. Демак, Ўзбекистоннинг бу галабаси вакилларингизнинг маҳорати туфайлидир.

Норбек НИЁЗОВ, футбол шарҳловчиси:

— Футболчиларимиз учта ўйинда рақиб дарвозасига 11 тўп киритиб, битта тўп ўтказиб юборишди. Бу бир қарашда, гўёки ҳеч бир чизикда муаммо йўқдек. Бироқ эътибор берган бўлсангиз, иккинчи турда Иорданияга қарши кечган ўйинда рақибимизда аксарият ҳолларда жамоавий ўйин, тезкор фикрлаш этиш-

мади. Навбатдаги учрашув олдидан ана шу камчиликлар атрофича таҳлил қилиниб, тегишли тавсиялар берилса, ҳаётларимиз муваффақиятларини давом эттиришларига ишонаман.

Алексей ЕВСТАФЕЕВ, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийси:

— Агар Иорданияга қарши кечган ўйинда галаба қозонганимизда, бугун иккинчи таркибни майдонга туширмоқчи эдим. Аммо асосий таркиб футболчиларидан фойдаланишга мажбур бўлдик. Энди жамоа шифокорлари футболчиларининг жисмоний жиҳатдан тикланиши учун ҳаракат қилишди. Шунингдек, кейинги ўйинда рақибимиз ким бўлишига қараб, бевосита унга қарши ўйинга тайёргарлик кўрамиз.

Зиёдулло ЖОНИБЕКОВ ёзиб олди.

Сизнинг таклифномангиз

6 - МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

ТЎҚИМАЧИЛИК УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

4-6 ноябрь 2010

Ўзакспомарказ, Тошкент, Ўзбекистон

МАЗКУР СУРОВНОМАНИ БОСМА ХАРФЛАР БИЛАН ТУЛДИРИНГ

ФИО / Исм-шарифингиз _____

Организация / Корхона _____ Должность / Лавозимингиз _____

Адрес / Манзил _____ Тел. _____

Город / Шаҳар _____ Страна / Давлат _____

Ташкилотчи: www.caitme.uz www.ite-uzbekistan.uz

Тел.: (+998 71) 113 01 80, факс: (+998,71) 252 51 64, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

Ташкилотчи: www.ite-uzbekistan.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги кафедралар бўйича янги лавозимларга танлов эълон қилади:

Кафедра мудири:	Академик хор дирижёрлиги, Мусиқа назарияси, Академик хонандалик, Эстрада чолғу ижрочилиги, Ижтимоий-гуманитар фанлар, Баастакорлик ва чолғулаштириш.
Профессор:	Мусиқа тарихи ва танқид (1), Махсус фортепьяно (1), Оркестр чолғулари (1), Эстрада хонандалиги (1), Ижтимоий-гуманитар фанлар (1), Халқ чолғуларида ижрочилик (1).
Доцент:	Эстрада хонандалиги (1), Хор дирижёрлиги (1), Анъанавий ижрочилик (2), Оркестр чолғу ижрочилиги (скрипка, 1).
Катта ўқитувчи:	Эстрада хонандалиги (1), Хор дирижёрлиги (1), Эстрада чолғу ижрочилиги (1), Ижтимоий-гуманитар фанлар (1), Мусиқа назарияси (1), Халқ чолғулари (2), Мусиқий овоз режиссёрлиги (1), Анъанавий хонандалик (1).
Ўқитувчи:	Эстрада чолғу ижрочилиги (1), Мусиқий овоз режиссёрлиги (1), Мусиқий шарқшунослик (1), Эстрада хонандалиги (2).

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 1-уй, ходимлар бўлими.
Телефонлар: (8-371) 244-94-51, 244-95-09.

ПУЛАТ КЎВУРЛАР «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КЎВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КЎВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПУЛАТ КЎВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ КЎВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРБИД — Қозғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

SONATA

Ўз йўлингни танла!

Drive your way

Қўфлат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Official Partner www.hyundai.com.uz

Tel. (8-371) 250-11-11

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ

ИП ООО «РАКНТАКАBEL ZAVODI»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ кабельно-проводниковую продукцию

- Кабели силовые с пластмассовой изоляцией марки АВВГ, ВВГ
- Самонесущие провода СИП-2А
- Провода бытового назначения АПУНП, ПУНП, АППБН, АПУН
- Провода установочные АПВ, АППВ
- Провода неизолированные из алюминия марки А
- Провода неизолированные со стальным сердечником марки АС

Специальные предложения по неизолированным проводам марок А и АС от 16 мм² до 600 мм².

Адрес: 100057, г. Тошкент, ул. Уста Ширин, 136.
Тел./факс: (+998 71) 228-07-76, 248-48-51.
Телефоны: (+998 97) 485-65-23, (+998 98) 304-00-94.

E-mail: pakhtakabel@mail.ru

Тошкент Молия институти ректорати ва бирлашган касаба уюмчаси кўмитаси Молиявий таҳлил кафедраси профессори Эргаш Акрамовга турмуш ўртоғи, иқтисод фанлари номзоди, доцент **Дўна АКРАМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби раҳбарияти ҳамда жамоат ташкилотлари маркетинг бўлими бошлиғи Тоҳир Фозилова онаси **ЛОБАР** аялининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОНА ТАБИАТ СЕҲРИ

Самарқанд деганда,
ўзининг мусаффо осмони, ёқутдек
ёрқин юлдузлари, шифобахш ҳавоси,
унумдор тупроғи, мовий гумбазлари,
ўлмас тарихий обидалари билан барча-
ни ҳайратга соладиган мўъжизакор бир
масканини тасаввур қиламиз.

Ислом КАРИМОВ.

Сиз она-табиат гаштини сурмоқчимисиз? Балки ноёб
кушлар, булбулу саввалар, кақлигу тустовуқлар хонишини
тинглашни истарсиз? Эҳтимол, китобу киноларда кўрган-
нингиз ажойиб-ғаройиб ҳайвонлар, Бухоро бугуси —
хонгуллари кўрғингиз келаётгандир? У ҳолда бизнинг
Зарафшон давлат кўриқхонамизга марҳамат қилинг.

Кўриқхонамиз шундоқ Самарқанд шаҳрига қиравер-
ришда, Зарафшон дарёсининг қир-
ғоқларида жойлаш-
ган. Ҳудудимиз дарё
буйлаб 45 кило-
метрга чўзилган,
умумий майдони
миз эса 2352 гектарни
ташкил этади.

Биз кўриқхона ходимлари
табиатга зарар келтирмасдан,
ҳар бир дов-
дарактни, ҳар
бир ўт-ўлану
гул-ғиёҳни, ҳар
бир ҳайвону
жонзотни ас-
раб-авайлашга, кўпайтиришга
ҳаракат қиламиз. Илмий ҳо-
димларимиз эса ўсимликлар
ва ҳайвонот дунёсини ўрга-
ниб, турли тадқиқотлар олиб
борадилар. Кўриқхонамизда
ҳаққуш, жигалтой, қизқуш,
тошқирғий, гов қаптар каби
хамма ерда ҳам учрайвермай-
диган кушларни, шунингдек,
жайра, бўрсиқ, Марказий
Осиё кундузи каби ҳайвонлар-
ни кўришингиз мумкин.
Бухоро бугуларни — хонгуллар
эса ўрмонларимиз кўрки, сав-
лати. Олма, нок, жийда, дўла-
на, зирк, қарағай, арча каби
мевали-манзарали дарактлар

ҳам кўриқхонамизга ўзгача
кўрк, чирой бағишлайди. Дарё
томондан эсаётган ўйноқи
шаббод димоғингизга гул-
ғиёҳлар бўйини келтириб ура-
ди. Оқтоб нувлари минг бир
рангда товланади. Ёқимли
кушҳаво баҳридингизни
очиб юборади. Табиатта бу-
тун борлигингиз билан син-
гиб, маҳлиё бўлиб юрганин-
гизда, шундоқ оёғингиз ости-
даги ўт-ўланлар орасидан
нақшдор чипор илон чиқиб
колса чўчи-
манг. Ахир,
бизда кушлар
ҳайвон-
ларни н г
мингдан зиёд
тури бор. Илон ҳам табиат-
нинг бир жонзоти. Тегмасан-
гиз, таҳдид қилмасангиз сиз-
га қайрилиб ҳам қарамайди.
Шунақа. Бизда ҳар бир
қадимингизда мўъжизалар ду-
нёсига, турфа сиру синоат-
ларга, ғаройиб саргузаштлар-
га дуч келасиз. Хуллас, юз мар-
та эшитгандан бир бора кўрган
афзал, дейишадик-ку. Яхиси,
вақт топиб кўриқхонамизга бир
келинг. Она табиатни ўзингиз-
га ошно тутинг.

Бекмурод СУЙОНОВ,
Зарафшон давлат
кўриқхонаси катта ноҳири.

Водийларнинг кезганди...

САМАРҚАНД
рўйи заминнинг сайқали.
Бу кўтлуг, табаррук замин одам-
лари ўзларининг тадбиркорлиги, ҳунар-
мандлиги, ангилликта ўчилиги, табиатга ошно-
лиги, фидойилиги, энг муҳими, инсонийлиги ва
меҳр-оқибати билан ажралиб туради.
Улуғ Истиқлолдан кейин Самарқанд ва самарқандликлар
ҳаётида янги давр бошланди. Бунинг тараққиёт даври, ўсиш-ўзгариш-
лар ва буюк бунёдкорликлар даври, деб айтса ярашади.
"Водийларни яёв кезганда" саҳифамизда бу гал Самарқанд сафарига кўрган
одамларимиз, уларнинг ажойибу ғаройиб ишлари, изланишлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

БИР БОҒДАГИ АЖАБТУВУР ЯНГИЛИКЛАР

рининг кенглиги — 3,5 метр. Одатий усулда бир
гектар ерга 450-500 туп олма кўчати жойлаш-
са, бу усулда 2700 тупдан кўзга жойлашади. Ҳар
бир туп олма 20-25 килодан ҳосил беради. Бу

миз. Бу, демак, боғимизнинг ҳаммаси томчи-
латиб суғорилади. Авваллари ҳар беш гектар
ерга биттадан сувчи қараб юрган бўлса, бу
усулда битта оператор компьютер орқали 514
гектар боғни бир йўла суғоради. Афзаллиги
дейсими? Айтганимдек, анча-мунча маблағ
ёнга қолади. Мева таннари арзон тушади.
Ернинг унумдор қисми ювилиб кетмайди, туп-
роқ эрозияга учрамайди...

Самарқанддаги "Шарк санюти" концерни,
"Лаззат мева" қўшма корхонаси фермер хўжа-
лигининг ҳамкорлари ҳисобланади.

— Максадимиз яқин йиллар ичиде арзон,
сархил мевалар билан бозорни тўлдириб, —
дейди Дилшоджон. — Яна бир яхши ниятимиз
юқори сифатли мева ва мева консервалари,
олма, ўрик, олхўри қоқларимиз, кишишлар-
имиз билан жаҳонга чиқмоқчимиз.

Муҳаббат САЙДАЛИЕВА.

Пастдаргомнинг
шундоқ марказида
яшайман. Нафақада эмасман-
ми, ҳар кун эрталаблари,
оқшомлари шаҳарчамиз кўча-
ларини, хиёбонларини кезиб
юришни яхши кўраман. Баъ-
зан ўғлимнинг машинасида
атроф қишлоқларни айланиб
келиш одатим ҳам бор.

КЎЗ ТЕГМАСИНИ

Туманимиз маркази Жума шаҳар-
часидаги қурилиш-бунёдкорлик иш-
ларини куриб завқим тошади. Ҳар
қадамда бир ўзгариш. Кўчалар кен-
гайтирилиб, икки ёқасига бири-би-
ридан чиройли кўшқаватли бинолар
қуриляпти. Маданий-маиший, савдо
шоҳобчалари, ошхоналар, чойхона-

Шукрона

ларни йўлмайсизми? Ҳаммадан ҳам
шундоқ катта йўл ёқасида, аҳоли
гавжум маҳалла ўртасида "Ешлар
боғи" барпо этилгани кексаю ёшни
бирдек қувонтирди. Ёнида кичик
концерт зали, спорт мажмуасигача
бор. Болалар ўйнаб-яйрайдиган тур-
ли хил аттракционларни, гулу гул-
зорларни кўрсангиз! Кўни кеча янги,
муҳташам "Дехон бозори"миз ҳам
ишга тушди. Бозоримсан бозор!
Расталарни айланиб, бу ердаги
файз-баракадан баҳри-диллингиз
очилди. Йўлларни айтинг. Тадбир-
кор йигит Шукратхон Шакаров бо-
шчилигидаги туманимиз йўлсозлари
шундай йўллар қуришяптики, маши-
налар бу йўллардан юриб эмас,
сузиб бораётганга ўхшайди. Атро-
фи чаманзор, чиройли ёриткичлар
урнатилган йўлчалар ҳам ҳавасингиз-
ни келтиради.

Кўшқоқларимиздаги ўсиш-ўзга-
ришларни куриб, қувончимга қувонч
қўшилиди. Шу йилнинг ўзиде Гала-
тут, Лолазор кўшқоқларида юзта
оила янги лойиҳалар асосида қурил-
ган замонавий уй-жойларга кўчиб
ўтди. Яна навбатда янги уйлар
қуриляпти. Қишлоқ кўчаларида
қатор-қатор замонавий машиналар
елиб юрибди. Одамларнинг юз-
кўзларига разм солиб, ўз ҳаётидан
қониқиб, миннатдорлик ҳиссини сез-
маман. Хаёлан кенгаи кўнларимизни
эслаймиз. Бугунги эмин-эркинлик
даври, фаровонликдан қўнгим тўла-
ди. Шундай дориларим, орзу-ҳавас-
ларимиз ушалган кўнларга етказган-
га шукр, дейман. Истиқлолнинг
нақадар улуғ неъмат эканлигини дор-
лимдан ўтказаман. Экан деб, юр-
тим деб ёниб яшаётган раҳбарлар-
римизни дуо қиламан. Юртимизга
кўз тегмасин, дейман.

Суюн МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси.

Оҳалик тоғининг
шундоқ этакларида бепойн боғ
ястаниб ётибди. Бу боғлар Самарқанд
туманидаги "Оҳалик олтин боғ меваси" фер-
мер хўжалигига қарайди. Оз эмас — 514 гек-
тар майдонга олма, узум, гилос, шафтоли,
олхўри каби мевали кўчатлар экилган.

— Бу ерлар гиёҳ унмайдиған қип-қизил дашт
эди, — дейди фермер хўжалигининг иш
юртубчиси Дилшоджон Салимов. — Тоғам,
ажойиб тадбиркор инсон, раҳматли Юсуф ака
Солиев кир-адирни бундан тўрт-беш йил олдин
ўзлаштириб, боғ яратганлар. Уларни шу йил
бошида вафот этдилар. Яхшидан боғ қолади,
деганларидек, у яхши инсондан бу боғ
авлодларга эсдалик бўлиб қолди...

Бугун Юсуф ақанин орзу-режаларини унинг
шоғирдлари давом эттиришяпти. Боғни ай-
ланиб юриб, янги экилган олма кўчатлари эъти-
боримизни тортди. Кўчатлар салкам бир метр-
га тигиз экилган бўлиб, новдалари симбазиз-
ларга боғлаб қўйилган эди.

— Бу олма кўчатларини Украинадан олиб
келдик, — дейди Дилшоджон, — "Голден лэй-
шест" — паст бўйли, серҳосил нав. Ҳар бир
кўчат оралиги — 90 сантиметр, қатор ора-



Қадимий ва навқирон шаҳарга чорлов...

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лаҳзаси.

**Нўмон кулол Облоқулов уруглик кулоллар сулоласининг сакки-
зинчи бўғинига мансуб. Ҳақиқат эйти пуштини биледи.**
— Отамизни Маҳкам кулол дейишган, — дейди у. — Машҳур
кулол эдилар раҳматли. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат
арбоби бўлганлар. Отамизнинг отаси Облоқул кулол. Катта
боболаримиз Хидир кулол, Қурбон кулол, Тўқсон кулол, Тўхтамиш
кулол, Абдулла кулол... Ҳаммалари ҳам ўз даврининг қўли гул,
обру-эътиборли хўнармандларидан бўлишган. Мана энди биз ҳам
ота-боболаримиз касбини баҳоли қудрат давом эттириб келаямиз.
Кам бўлаётганимиз йўқ...

Нўмон кулол бизни устахонасига тақ-
лиф қилади. Сомон сувоқли, паскамгина,
хум, кўза, лаган каби устанинг ҳали қўл
тафти кетиб улгурмаган турфа хил сопол
буюмларга боқиб, беихтиёр кулоллик кас-
бининг меҳнати, машаққати ҳақида ўйлай-
миз. Олдий лой уста қўлида пишийтилиб,
маълум бир шаклга кирди. Гулланиб, сай-
қаланиб ростнамо буюмга айланади.
Қўларни қуватади. Кишидан ҳам жисмон-
ний, ҳам ақлий меҳнати, сабр-тоқат ва
иродани, малака ҳамда маҳоратни талаб
этадиган хўнар бу.

— Бу устахона авлодларимиздан бизга
мерос, — дейди Нўмон кулол. — Замона-
вийроқ қилиб, янгидан қўриб олсак ҳам
буларди, аммо бу ерда аждодларимиз-
нинг руҳи бор. Бу дастхоналарда отамнинг,
боболаримнинг қўл излари қолган. Ҳар бир
буюмин ясаётганимизда уларнинг ниҳонини,
тафтини ҳис этиб тураман. Отам, бобола-
рим елкам оша қўлаётган ишимга кўз таш-
лаб тургандек бўлишадим. "Касбимизни
авайлаб-асра, янги ранглар, жилолар би-
лан бойит, авлодларга мерос қолдир, гард
юктирма!" дегандек бўлишадим гўё...

Устахона оша тайёр кулоллик буюмлари
қўйилган мўъжизагина залга ўтамиз. Бу ер-
даги сон-саноксиз кулоллик буюмлари:

бошқа кулоллик мактабларидан нимаси би-
лан фарқ қилади? — сўраймиз.

Нўмон кулол шовшмалӣ деворга илеб
қўйилган лаганлардан бирини қўлига
олади.

— Қаранг, ранглар остидеги турли чиз-
малар, шаклларга эътибор беринг, яна
кўпроқ жигаранг... Бошқа жойларда бу-
нақасини учратмайсиз, — дейди у.

— Бундай ўзига хос рангларни қаердан
оласизлар?

ЕТТИ ПУШТИНИ БИЛАДИГАН КУЛОЛ

— Олдий темирчилик устахонасидеги
чиқиндилар, кириндиларни кўйдириб, оқшо
қўшамиз, қараб турибсизки, ана шунақа
жигаранг ҳосил бўлади, — дейди Нўмон
кулол. — Мисини кўйдириб, оқшо қўшиб,
буғдай унидан аралаштирсак яшил ранг
ҳосил бўлади.

— Узингиз яратган, ижод қилган буюм-
лар ҳам борми? — яна саволга тутамиз
устани.

— Албатта, яқинда Қўқонга, Худойрхон
музейига борганимизда, қадимдан қолган
судонларга кўзим тушди. Келган, ўзим ҳам
ясаб кўрдим, — уста иччам, думалоқ
шаклдаги бежирим идишни олиб кўрсат-
ди. — Мана бу кичик кўзчалар андозаси-
ни эса грузинларнинг қўлбола шароб
қўнғидан идишидан олганман.

Кулолнинг ховлиси янги тушган келин-
чакнинг сеплар ёйиб қўйилган серҳам
хонасини эслатади. Деворларга, симдор-

ларга ранг-баранг палаклар, каштадўзлик
маҳсулотлари осиб қўйилган. Нўмон ус-
танин турмуш ўртоғи Кубаро Тўхтаева мо-
ҳир каштадўз. Вилоят, республика миёна-
сидеги нуфузли кўргазмалар иштирокчиси.

— Илгари зардўзлик билан шуғулланган-
дан, кашта тикишни шу хонадонга келин
бўлиб келиб, қайнонам, раҳматли Саҳобат
аядан ўрганганман, — дейди Кубарохон.

Уста каштадўз "Ташаббус — 2000" тан-
ловининг республика босқичида соврин-

ли ўринни қўлга киритган.

— Ниҳоят, тўққиз йил деганда Кубаро-
хонга етволдим, — дейди ярим ҳазил, ярим
чин маънода Нўмон кулол. — "Ташаббус —
2000"да мен ҳам республикада иккинчи
ўринни олдим. 2006 йилда "Шукрат" ме-
дали билан тақдирланган бўлсам, Кубаро-
хон бу йил ана шундай юксак давлат
мукофотига сазовор бўлди. Аммо айтиб
қўяй, шоғирд тайёрлаш борасида у киши-
га етадигани йўқ. "Устоз — шоғирд" мак-
табиде очиб, ўттиздан зиёд қизларга каш-
тадўзликни ўргатапти.

Кўча дарвозасидан бир гуруҳ хоржи-
лик сайёҳлар кириб келишди-ю, суҳбатим-
из бўлибди. Кубарохон франциялик меҳ-

монлар билан илқ-илқисс қўрашиб, хорж
тилида ниманидир гаплаша кетди.

Унингизда америкалик, япониялик,
францияликлар тез-тез келиб туришадим,
— дейди моҳир каштадўз. — Улар билан
чўгуллашаримиз, тилларини унча-мунча
ўрганган олганман. Мана бу франциялик
меҳмон Мартин Гюфррой бўлади. Ўзбек
хўнармандчилик маҳсулотларига жуда иш-
қибоз. Ўтган йили келганда, диван устига
ёпиладиган каштали палакка бюртма бе-
либ кетганди, — Кубарохон дорға ослар-
ди, турли гуллар, нақшу нигорлар билан
безалган палакка ишора қилди.

— Бин-бин! Мерси! — дейди меҳмон
қўлини кўксига қўйиб.

— Зўр-зўр, раҳмат, деапти. Ишларим
меҳмонга ёққандин мен ҳам хурсандман,
— дейди Кубарохон.

Кўз олдимизда франциялик сайёҳлар
хўнармандлар оиласи маҳсулотларини
узок, берилиб томоша қилишди, қайтши-
лариде анча-мунча кулоллик, каштадўзлик
ишларини сотиб ҳам олшди.

— Бу эр-хотин усталарининг маҳсулот-
лари бизга жуда манзур, — дейди Мар-
тин хоним. — Кулоллик маҳсулотлариде
хам, каштадўзликда ҳам табиий бўёқлар
дан фойдаланилганини, ҳамма ишлар қўлда
бажарилгани бизларга, айниқса, маъқул.
Бу маҳсулотлар бизга савоатли ўзбек
заминини, меҳмондўст ўзбек халқини ҳар
доим эслатиб туради.

Нўмон кулол билан Кубарохон каштадўз хонадониде ўғил-қизлар воёга етиб,
ота-оналари каторига киришганига анча бўлиб қолди. Галда набиралар воёга ета-
пти. Бу, демак, ота-боболар хўнари ўлмайди. Сулола давом этади. Завол билмайди.

Хўнармандчилик

Қаҳрамон СОБИРОВ,
Самарқанд шаҳри, «Богимбаланд-Регистон» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

ЦЕМЕНТ (шп400 кд20) 162,4 ▲ +0,1 ЦЕМЕНТ (шп400 д20) 162,6 ▲ +5,9 АРМАТУРА 1320,0 ▼ -1029,4 ШИФЕР (1 лист) 14305 ▼ -201 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
руйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 39240 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Ташрифта келган қўлемлар тақриб қилинмайлди ва
муаллифга қайтарилмайдди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида термал
ҳамда операторлар Ж. Тоғева ва М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланган.

Ташрифт материалли

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тонкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улугмуродов.
Мусохафх — С. Исмолов.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 20.50 Топширилди — 22.50

12 № 5